

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН – ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

Тирик, мағрур, ҳақ сўз қуролимиз бўлсин!



Ватан ягонадир,
Ватан биттадир

1943 йил 6 марта чиқа бошлаган

– 2022 йил – Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили –

Ассалому алайкум, азиз мушистарий!

ISTIQBOL YO'LI

Кўштепа туманинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

www.istiqbol.yuli.uz

istiqbol.43@mail.uz

2022 йил 2 август № 27 (8424)

Муҳим аҳборотлар

Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурида Пахтачилик кенгаси томонидан амалга оширилган ишлар ва келгусидаги устувор вазифалар юзасидан ийғилиш ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Тадбиркорлик субъектлари билан самарали мулокот тизимини жорий этиш ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" фармон қабул қилди.

Юртбошимиз "Спорт курашларининг Олимпия турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари "Таэквондо (WT) спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Туркий давлатлар билан туризм соҳасидаги ҳамкорликни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорга имзо чекди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Эроннинг қатор ҳудудларида юз берган кучли сув тошқинлари оқибатида кўплаб инсонлар қурбон бўлгани ва катта талафотлар етказилгани муносабати билан Президент Иброҳим Раисийга ҳамдардлик билдири.

УШБУ
СОНДА:

(2)

* Оила тинч бўлса – маҳалла, юрт тинч

* Суперконтракт:
кимга фойда-ю, кимга зарар?!

"Обод қишлоқ" Давлат дастури амалда



Янги ўқув йилида 20-мактабда "Лангар" ва "Шодлик" маҳаллалари аҳлининг 1100 фарзанди таълим-тарбия олади. "Обод қишлоқ" дастури доирасида билим даргохини мукаммал таъмирлаш учун 2 миллиард 421 миллион 901 минг сўм маблағ ажратилди. Маблағнинг сарфи, таъмир ишларининг сифати, албатта буюртмачилар томонидан назорат қилинмоқда.

Суратда: мактаб директори Имамин Ҳусанов (ўнгдан), туман халқ таълими бўлими методисти Раҳимжон Мирзаев, ҳўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари, сифатли таъмирнинг жонкуяри Шавкатжон Турсунов, мактаб ўқитувчisi Тўлқинжон Алибоевлар олиб борилаётган таъмир ишлари мароми ва сифати юзасидан сухбатлашмоқдалар.

Бахтиёржон РЎЗИОХУНОВ олган сурат.

Мутахассис минбари

Уюшмамиз Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ, тумандаги 10 та сувдан фойдаланувчилар уюшмаси негизида ҳуқуқий ворис сифатида ташкил топган бўлиб, экин майдонларига сув сарфининг ҳисобини юритади ва Давлат солиқ инспекциясига тақдим қиласди. Қарорга кўра, шартнома асосида иш юритган истеъмолчилар бир барабар сув солиги тўласа, шартнома тузмаган истеъмолчилар белгиланган лимитнинг беш баробари ҳажмиди сув солиги тўлайдилар.

Тасдиқланган бизнес режага асосан уюшмамиз жорий йилнинг ўтган даврида "SAMSUNG" экскаватор техникиси билан 28 километр арикларни тозалаб, 180 дан зиёд шарбат ҳовузлари ковлаб, истеъмолчиларга белугу хизмат кўрсатди. Уюшмамизнинг 40 дан зиёд ишчи ходимлари 8310 гектар бошоқли дон, 7240 гектар пахта, 4595 гектар бошқа қишлоқ ҳўжалик экинлари, боғдорчилик, чорвачилик фермер ҳўжаликларига ҳамда 52 та маҳаллаларнинг экин майдонларига, жумладан, 462 та сув истеъмолчилариша шартнома асосида зарур миқдорда сув етказиб бермоқдалар.

Президентимизнинг қарорларида асосан малакали олий маълумотли кадрлар тайёрлаш бўйича ходимларни олий даргоҳларда ўқитишни ва

СУВ-ЭКИННИНГ ҚОНИ ВА ЖОНИ

Унинг ҳар қатраси ҳисобда



ҳўжалик ҳисобидан контрактларини тұлаб беришини мақсад қилиб олганмиз. Ходимларимиз махсус устбош билан таъминланғанлар.

Жорий йилда 167 та фермер ҳўжаликлари бошоқли дон етишириши режасини ортиги билан адо этишларида уюшмамиз аъзоларининг алоҳида ҳиссаси борлигини айтиб ўтиш жоиз. Шу кунларда пахта майдонларида кечаю-кундуз сугориш ишларини ташкиллашни назорат қилишда Мухаммадали Юсупов, Ҳасанбой Каримов, Ҳомиджон Маҳмудов, Юсуфжон Мадраҳимов, Тўлқинжон Аҳмедов сингари ходимларимиз алоҳида намуна кўрсатиб, зиммаларидағи вазифаларни ўз вақтида амалга ошириб келмоқдалар.

Туман ҳокимининг топшириғига кўра, пахта экинини сугоришда сув-

дан мақсадли ва оқилона фойдаланишини ташкил этиш ва муаммоларни ўз вақтида бартараф қилиш юзасидан эълон қилинган зарбдор 40 кунлиқда фаол иштирок этиб, самарали натижка кўрсатган ходимларга бўйруқ билан мукофот учун қимматбаҳо совирнлар кўйилди. Бу борадаги эътиборга молик ва зифаларни бажаришда уюшмамизни маблағ билан таъминлашда "FERGANA GLOBAL TEXTILE" МЧЖ пахтачилик кластери ҳомийлик қиласди.

Биз экиннинг қони ва жони бўлган сувнинг ҳар қатраси мақсадли ва самарали сарф бўлишини назорат қилиш орқали мўл-кўлчиликка ҳисса кўшаётганимиздан мамнумиз.

Алижон ЮСУПОВ,
туман сув истеъмолчилари
уюшмаси ижрочи директори.

(3)

* Фармон ва ижро

* Одам савдоси:
мураккаб жиноятлар занжира

(4)

Сабоқ бекати

- * Аҳли дониш дейдиларки...
- * Ақл-ақлдан қувват олар
- * Билиб қўйған маъқул

Ҳар қандай даёлатнинг барқарорлиги унинг энг кичик бўғини—оила осойишталигига бевосита боғлиқ эканлиги башарият тарихидан яхши маълум. Юртимизда бу соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар замирида ана шундай эзгу мақсад мушкассам. Туманимизда 51 та маҳалла фуқаролар ийгини бўлиб, оиласлар мустаҳкамлигини таъминлаш, турли низоларнинг олдини олиш улардаги фаолиятнинг асосий бўғинларидан бири бўлиб келаётир. Бу ўринда ҳудудда қайд этилган ажримлар сабаблари ва хонадонлардаги ижтимоий-маънавий муҳитни чуқур таҳлил қилиши ва шу асосда нотинч оиласлар, шаръий никоҳлар, ажримлар, ўз жонига қасд ва суиқасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича режали чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

ОИЛА ТИНЧ БЎЛСА -МАҲАЛЛА, ЮРТ ТИНЧ

Муқаддас қўргон мустахкамлигини таъминлашга қаратилган тадбирларни унинг остонасида турган ёшлар билан ишлаш, уларни турмушнинг баланд-пастига тайёрлаш, азалий қадриятларимизни англатишдан бошламоқдамиз. Никоҳдан ўтиш учун ариза берган йигит-қизларни туман ФХДЕ бўлими ҳамда мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигидаги “Ёшларни оиласлар мактаби” ўқувларига жалб этияпмиз. Бундан ташқари, ёш оиласлар ўртасида ажримларнинг олдини олиш мақсадида маҳалла фуқаролар йигинларида нуроний фахрийлар, кайвонилардан иборат “Оқила аёллар ҳаракати” ҳамда “Бувижонлар мактаби” ташкил этилиб, изчил фаолияти йўлга кўйилди. Ҳаётий тажрибага эга онахонларнинг пандлари, саришта бекаларнинг тавсиялари, савимий сұхбатлари ёшларда катта таассурот үйғотиб, тегишли хулосаларга туртки бўлмоқда.

Саъй-ҳаракатларимиз бе-самар кетмаяпти, албатта. Жорий йилнинг олти ойида ташкил этилган қабулларда ажрим масаласида мурожаат этган саккиз нафар фуқаронинг муаммолари белгиланган тартибида ўрганилиб, олтитаси муросага келтирилди. Оила ва хотин-қизлар бўлими томонидан турли келишмовчиликлар оқибатида ота уйига аразлаб келган 71 нафар келинлар рўйхати шакллантирилиб, ҳар бири билан мuloқot ўрнатилди, маҳалла йигини билан биргалиқда сабаблари чуқур ўрганилди. Натижада уларнинг 65 нафари яраштирилиб, хонадонларига қайтарishiغا эришилди.

Туманимизда ноқонуний никоҳ асосида яшаётган 85 та оила аникланганлигини ҳам айтиш керак. Бундай ҳолатларни бартараф этиш ва келгусида юзага келиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олиш мақсадида жорий йилнинг олти ойи давомида уларнинг аксарияти, яъни 65 тасининг никоҳ ришталари туман ФХДЕ бўлими томонидан қонунийлаштирилди.

Тарғибот-ташвиқот ишлари режали асосда ташкилланиб, мутахассислар иштирокида учрашувлар, давра сұхбатлари ўтказилаётир. Йилнинг мазкур даврида аҳоли ва ёшлар ўртасида оила хуқуқи, эр-хотин ва бошқа

яқинлар ўртасидаги ўзаро мunoсabatлар тўғрисида, шунингдек ноқонуний, эрта ва қариндошлар ўртасидаги нижохларнинг салбий оқибатлари юзасидан 160 дан ортиқ тадбирлар ташкил этилди. Шу аснода 94 та ажрим ёқасига келиб қолган оиласлар ўртасида психолог, тиббиёт ходимлари, отинойи, имомхатиб, ҳукуқшунослар иштирокида мuloқotлар олиб борилди.

Турли хил можаролар туфайли фуқаролик судлари ва ФХДЕ бўлиmlарига мурожаат қилган юзга яқин оиласларнинг келишмовчилик сабаблари ўрганилиб, ҳудудлардаги “Яраштириш комиссиялари” томонидан тегишли чоралар кўрилди, тушунтириш ишларидан сўнг ҳар икки томонга ўйлаб кўришлари учун муддат белгиланди. 31 та нотинч, нотулик, муаммоли оиласлардаги вояга етмаган фарзандларга ижтимоий кўмак ўқратиш чора-тадбирлари белгиланиб, ижрога қаратилди.

Жорий йилнинг ярмигача туманимизда 477 та никоҳ қайд этилиб, шунча янги оила барпо этилди. Аммо ажралиш кўрсаткичи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 10 тага ошиб, 112 тани ташкил этгани юракни ларзага келтиради, оғир ўйга толдиради. Сабаблар таҳлил қилинганида 22 та ҳолатда фарзандсизлик, 2 тасида хиёнат, 54 таси оиласлар низолар, биттасида ичкилик-бозлик оқибатида мunoсabatларга дарз кетгани, 34 та ҳолатда бошқа масалалар сабаб ажралишгани аниқланди. Бузилган оиласларнинг 32 нафар фарзандлари назоратга олиниб, ижтимоий кўмаклашиш режаси белгиланди. Уларнинг вайрон бўлган кўнгилларини бутлаш, руҳий жароҳатларини тузатишнинг имкони бўлмаса керак.

Юқоридаги фактлар, фикр-мулоҳазалар бежиз газета минбари олиб чиқилмади, албатта. Оиласи сақлаш ва мустахкамлаш вазифаси нафақат мутасаддиларнинг, балки шу жамиятда яшаётган ҳар бир фуқаронинг, каттаю-қичикнинг эътиборини талаб қилувчи масаладир. Зоро бу келажак авлодлар тақдири билан боғлиқдир.

Дилзодаҳон ОЛИМОВА,
туман ҳокими
уринбосари, оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи.

Бугун мактабни амал-тақал билан битиргандар хам хужжатларини олий таълим мусасасига топшириб, ўқишига кирмоқчи бўляптилар. И.и. гариги даврларга караганда, бугун ёшларга олий таълим олиш учун яратиб кўйилган шароитларда ер билан осмонча фарқ бор-да. Ахир бундан фойдаланиб колиш керак. Танлаётган соҳасига кизиқадими-йўқми, ишлайдими-ишламайдими, нима фарки бор? Энг муҳими, омади кулиб, ўқишига кириб қолса-бўлди! Жуда бўлмаса, имконияти борларнинг ота-онаси суперконтракт тўлаб бўлса ҳам ўқитиб олади-да. Диплом олгандан кейин у ёғи бир гап бўлар. Жамиятга қай даражада нафи тегиши билан неча пулли иши бор?

Мана, иплатнинг илдизи қареда? Ота-онасининг пулига ўқишига кириб олган ёшлар, киролмай қолганларнинг яқинлари билан сұхбатлашиб, тўғриси, ҳафсаламиз янада пир бўлди.

—Мен аввалги йили Ўшдаги университеттага ўқишига кирдим,—дейди ўзини таниширишни истамаган, аслида мебелсозликка қизиқан йигит. —Бир йилдан кейин ўқишимни Фарғона университетига, турдош ўналишга эмас, бошқасига кўчирдик. Отам нақд 60 миллион сўм тўлади. Ҳозир жисмоний тарбия

йўналишида ўқиялман. Гапнинг очигини айтсан, дарсларга келаман-у, уларни тушунмайман. Назорат ишларимни кимларгадир ёздираман. Бир амаллаб иккинчи босқични ҳам тугатиб олдим. Институтни битириб, қаерда ишларкинман, деб ўйлаб қоламан. Ахир бу соҳага умуман қизиқишим йўқ.

табда ўртача ўқиган ўртоғи эса дўстига қизиқиб, ўзини синаш учун аббитуриент бўлди. Натижада бўлди, деб ўйлайсиз? Менинг болам 189 балл тўплади, бюджет ҳисобига ўқиш учун бор-йўғи иккى баллгина етмай қолди. Контракт тўлаш имкониятимиз бўлмагани учун у ўқишидан воз кечди. “Бир амаллаб тўлаймиз,

Менинг фикрим

СУПЕРКОНТРАКТ:



—Суперконтракт дегани қаредан ҳам чиқкан экан,—дейди саксон ёшларни қоралаб қолган қадрдонимиз Рустам хожи.—Биз, маҳалладошларнинг набираларимиз тиббиёт институтларига ҳужкат топширишди. Набирал соҳага қизиқани учун иккى йил репетиторларга қатнади. Мак-

ўқийверасиз, десак болагина кўнмади. “Ахир ўғил боламан, келаси йили яна топшираман, албатта бюджет ҳисобига ўқиб, доктор бўламан, мана кўрасиз”, дейди.

Шу ўринда бир нарсага жуда ачиниб кетдим. Набирал репетиторга қатнагандан кўра, бирор хунармандга шогирд бўлганида, бу қадар тушкунликка тушмасди, хунарни қилаверарди-да. Дўсти 61 балл тўплаган экан. Ўзига тинч одамлар эди, эшишишмча, жуда катта мидорда—300 миллиондан ортиқ дейишиди, суперконтракт тўлашибди. Ҳозирда олий даргоҳда ўқияпти. Менинг уларга ғайиригим келмаяпти, асло! Фақат бир нарса тинчлик бермаяпти. Шу боладан кела-

Маҳалла ёшлар етакчиси минбари

АГАР БИЗ МАНЗИЛЛИ



Рахматжоновлар хонадонида

**Ёшлар ташкилотининг фаоли бўлганим
учун маҳаллада
улар билан ишлаш,
муаммоларини ҳал
килиш, жиноятчиликка
карши курашиш
ҳамда ишсизликни
кисқартириш каби
юмушлар билан
шуғулланишдек
вазифани үддалай
оламан, деб
хисобладим ва мана
йил бошидан буён шу
лавозимда
ишламоқдаман.**

Фаолиятимизнинг энг мақбул усули хонадонбай тизимда ишлаш эканлигини ҳеч ким рад эта олмайди. Ўзим истиқомат қилаётган маҳалламизнинг умумий аҳолиси 2968 нафар бўлса, шундан 1023 нафарини ёшлар ташкил қиласди. Уларнинг ҳар бири билан мuloқot қилдим, десам, хато бўлмайди. Эндиғина иш бошлаган пайтимда маҳаллада муқим иш ўрнига эга бўлмаган, ишлаш истагини билдириган йигит-қизлар 31 нафарни ташкил қиласди. Бугун уларнинг кўпчилиги иш ўрнига эга бўлиб, даромадга кирди. Масалан, Ихтиёр Рустамзода биринчи гурух ногирони бўлишига қарамай, паррандачиликка қизиқиши туфайли субсидия асосида инкубатор сотиб олди. Баҳорги мавсум давомида Ихтиёр 4-5 маротаба тухум очириб, яхшигина даромадга эга бўлди. “Бу соҳада тажриба ортириб боряпман. Электр ўчишлари бироз панд берди. Келгуси мавсумда бундай узилишнинг ўрнини тўлдириш чорасини кўришга интиламан”, дейди у.

Аҳмадали Раҳматжонов ҳам 30 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, паррандачиликни йўлга кўйди. Бугун унинг ҳовлисида беш турдаги 100 дан зиёд қуш мавжуд. “Уларнинг ичидаги конарейка, ризифна, корелла каби

кушлар жуда харидорбог ва қимматбахо. Куш деганлари ўзи кичкина бўлгани билан даромади катта бўлар экан”, дейди Аҳмадали. Қаҳрамонимизнинг айтишича, шу қизиқиши ортидан ҳар ойда 3-4 миллион сўмдан даромад қиляпти экан.

Маҳалламизнинг дехқончиликка қизиқадиган, меҳнаткаш 10 нафар ёшларига

10 сотиҳдан 10 йилга ер ажратиб берилди. Ҳозирда уларнинг барчаси биринчи ҳосил—полиз экинлари, картошкани йиғиб, яхшигина даромад олишиди. Ҳозирда иккинчи ҳосил—дуккакли экинлар уруғини қадаб кўйишиди.

Бугун “Ёшлар дафтари”га киритилган 22 нафар йигит-қиздан 18 нафарининг муаммоларини ҳал қилдик. Яқин кунларда қолганларига даҳлдор муаммоларга ҳам ижобий ечим топиш ҳаракатидамиз.

Мақсадим битта: маҳалламиз ёшларининг барчаси доимий иш ўрнига эга бўлсин, қўшимча даромад манбаи билан таъминланисин, билим олишга интилсин, спорт ва санъатга қизиқсин. Ана шуларга эриша олсаккина, вазифамизни адо этган бўламиз.

**Дилрабо ОРИФЖОНОВА,
“Дехқонобод” маҳалла фуқаролар
иини ёшлар етакчиси.**

жакда қандай шифокор чиқаркин?! Инсон саломатлигини унга ишониб топшириб бўлармикин?

Мўйсафид жуда ўринли мулоҳаза юритяпти. Менга қолганда, мактабда фанларни "уч" баҳога ўзлаштирганларни олий таълимга яқинлаштирган муродлардим. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ўтара маъ-

пайтида пайдо бўлади ва айнан шуларнинг баҳолари "беш"!

Бундай ҳолатларни кўриб-кўрмасликка, билиб-билимларни олиб юришлардан кимга фойда-ю, кимга зарар, деган савол тинчлик бермайди одамга. Нима учун ҳолат бўйича тегиши мутахассислар бонг урмаяптилар? Бугун

КИМГА ФОЙДА-Ю, КИМГА ЗАРАР?!

лумотни аранг эгаллаган одам, олий таълимни қай даражада ўзлаштириарди?! Ахир ўз оти ўзи билан олий таълим-ку! Ўқишига киришдаги коррупцион ҳолатлар, тўловнинг суперконтракт усули, менинг на заримда, олий таълимда сифат даражасини бир неча ўн йилларга орқага кетказди.

Ривожланган давлатларда олий таълимга кириш осон, аммо уни битириб, мутахассис бўлиб чиқиш қўйин. Бизда эса акси, бу даргоҳларга кириб олса бўлди, пора тиқиб юриб, амаллаб битиради.

Шу ўринда ўзим яқиндан билган бир талабанинг фикрини келтирсам: "Бизда шундай талабалар борки, ўқишида жуда кам кўринадилар, бальзиси кўринмайди ҳам, сессия

олий таълим даргоҳларида берилган имконят даражасида билим олишга, яхши мутахассис бўлишига интилаётган ёшлар бор, аммо улардан кўра нўноқлари кўп, десам муболага эмас.

Мисолни ўз соҳамиздан келтирсам: Ўзбекистон Миллый университетида учинчи босқични битириган, амалиёт ўташга келган йигитга бир илгор фермер хўжалигидан лавҳа ёзиб келишини маслаҳат бердим. Йигит ўзини ўнгайсиз сезди ва "очигини айтаман, устоз, лавҳа нима эканини билмайман" деса бўладими?! "Жанрлар ҳақида ўқигансизку!", десам, "дарсларга кам қатнардим-да" дейди. Хулоса чиқариш ўзингиздан.

Таълим сифатининг паст-

**Айтилишининг ўзиёқ
кишини сескантирадиган
бу иплат бугунги кунда
курраи заминдаги глобал
муаммолар қаторида
турибди. Инсон аталмиш
мукаррам зотга мутлақо
номуносиб бундай хатти-
ҳаракатга қарши кураш
жаҳон миқёсида ўзаро
ҳамкорлик асосида олиб
борилишига қарамай,
жабр кўраётганлар сони
камаймаяти.**

Одам савдоси ўзи нима? Бу—куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларидан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни сунистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш кабилар демакдир.

Хўш, бу жиноятларнинг омили нималардан иборат? Турган гапки, бу омиллар маънавий қашшоқлик, очкўзлик, дунёга ҳаддан зиёд ҳирс қўйиш ва нафсига кўл бўлишдир. Энг ачинарлиси, "замонавий куллик" қўрбонлари орасида аёллар, кексалар, ҳатто ўш болалар ҳам бор. Яна бир асосий омил—чет элга бориш ва ишга жойлашиш ҳақида етарли маълумотга эга бўлмаслик хисобланади. Ўзга давлат, бегона бир мухитга тушиб қолганлар мўмай даромад илинжида оғир жисмоний меҳнатга ёлланмоқда, аёллар эса тубан ва фаҳш ишларга мажбур этилмоқда...

Чиндан ҳам Ватандан ўзга жойда баҳт топиш мушкул. Аммо, ай-

рим ёшлар бу ҳақиқатни англаб етмаяптилар. Сабаби эса тарбиядаги кемтиклиқ, илмдаги заифлиқдир. Таҳлиллар шуни кўрсатяпти, қайси оила нотинч ёки бахти молдунё, бойлиқда деб билган бўлса, айнан ана шундай хонадонларда ўсан йигит-қизлар аср вабоси дея таърифланаётган одам савдосига дуч келмоқда.

Шу ўринда Ҳасан Басрийнинг бир гапи ёдга тушади. Ул муҳтарам зот айтганлар: "Пулни илк бор шайтон чиқарди. Сўнгра уни пешонасига кўйди, ўпди ва шундай деди: "Кимки сени севса, у шубҳасиз, менинг

раётгандай. Зоро, қўни-қўшни ва маҳалла-кўй ҳамкорлигисиз бу каби ноҳуш ҳолатларга барҳам бериш мушкул иш.

Ўз тажрибамиздан келиб чиқадиган бўлсак, энг аввало маҳалла ва оиласи кўллаб-куватлаш вилоят бошқармаси, шунингдек, "Истиқболли авлод" ижтимоий ахборот марказининг вилоятдаги минтақавий бўлими билан мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ахборот марказининг асосий мақсад-вазифаси ҳам одам савдоси ҳамда зўравонликнинг барча турларига қарши курашишдан иборат эканлиги ўзаро алоқалари-

ОДАМ САВДОСИ: МУРАККАБ ЖИНОЯТЛАР ЗАНЖИРИ

қулимдир". Ҳа, бежиз бойлиқни имоннинг тузоги, демайдилар!

Кейнги пайтларда одам савдосининг энг жирканч тури—фарзандини сотиш жинояти ҳам тез-тез учраётгани юракларни ларзага келтирмоқда. Бундайин беҳад аянчли ҳодисалар ҳақида ижтимоий тармоқлар орқали хабарлар кўпайиб бораётгани ҳам рост. Узоққа бормайлик, яқинда Асака туманида яшовчи она янги туғилган чақалогини сотиб юбораётганида кўлга тушди. Майлум бўлишича у аввалги боласини ҳам "нақдлаштиришга" ултурган экан!..

Илгари бундай воқеалар жамоатчиликнинг кескин муҳокамасига сабаб бўлар эди. Энди эса фақат жамоат ва нодавлат нотижорот ташкилотларигина бу ҳақда қайгу-

мизда кўл келаяпти. Улар маънавият тарғиботчиларини энг тезкор, зарур ва қизиқарли ахборотлар билан мунтазам таъминлаб турбидилар. Бир сўз билан айтганда, аср вабосига қарши қўлни-қўлга бериб биргалиқда қурашяпмиз.

Аслида, ушбу машъум жиноятлар занжирини узиш имони бут, вижданни соғ ҳар бир фуқаронинг инсоний бурчи. Зотан, одам зотини пуллашдек қабиҳликка қарши кураш кенг қамровли ҳамкорликни талаб этади. Шундай экан, огоҳ ва хушёр, ўзаро боҳбар бўлибина бу муаммонинг олдини олишимиз мумкин.

**Салимжон СОДИҚОВ,
туман ИИБ ТЭҚГ тезкор
вакили, капитан.**

Фармон ва ижро

ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИ МАНФААТДОРЛИККА БОҒЛИҚ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тиббиёт муассасалари ходимларини моддий кўллаб-куватлаш ҳамда раббатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги фармонига кўра шу йил биринчи июнидан бошлаб давлат тиббиёт муассасалари ходимларининг ойлик лавозим маошлари:

нотижага эришган, ҳалол ва викодонан ишлаётган тиббиёт ҳамда фармацевтика ходимларига ойлик лавозим маошининг 100 фоизигача ҳамда бошқа ходимларга 75 фоизигача ойлик устамалар;

янги иш бошлаган салоҳиятли ўш шифокорларга 1 миллион сўмгача маҳсус ойлик устамалар;

оилавий шифокор пункtlари, оилавий поликлиникалар ва кўп тармоқли марказий поликлиникаларда кундузи стационар иш вақтини соат 20:00 гача узайтириш хисобига иккинчи сменада ишловчи шифокор ҳамширларга лавозим маошининг 30 фоизигача ойлик кўшимча устамалар тўлаб бериладиган бўлди.

Бундан ташкири, тиббиёт муассасаларида Соглини саклаш вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхатга мувофиқ юкори технологик мураккаб операцияларни бажарган шифокор-хирурглар лавозим маошининг 25 фоизи мидорида кўшимча устама жорий этилди. Биринчи сентябрдан бошлаб илмий даражага эга бўлган даволаш-профилактика муассасалари ходимларига давлат бюджети хисобидан ҳар ойда лавозим маошининг 30 фоиздан 60 фоизигача кўшимча ҳақ тўланади.

Қабул қўлинган бу меъёрий ҳужжат мақсади тиббиёт ходимларини моддий кўллаб-куватлашга каратилганлиги билан бир пайтда муассасаларда хизмат сифати ва самарасини оширишга хизмат қўлади, албатта.

**Шоҳруҳ СОБИРОВ,
Риштон тумани адлия бўлими
бош маслаҳатчиси.**

JAHON AYVONIDA

"TELEGRAPH": ЖОНСОН НАТОНИНГ НАВБАТДАГИ БОШ КОТИБИ БЎЛИШИ МУМКИН

Кепаси йил сентябр ойидаги НАТО Бош котиби Йенс Столтенберг лавозимини тарк этгача, унинг ўрнини Буюк Британия хукumatining истеъфога чиққан раиси Борис Жонсон эгаллаши мумкин. Бу ҳақда "The Daily Telegraph" хабар берди.

Нашр ёзишича, юкори мартабали инсонлар Шимолий альянс раҳбари ўрнини эгаллашда Борис Жонсонни кўллаб-куватлашмоқда. Аввалроқ ушбу лавозимга Буюк Британия мудофаа вазири Бен Уоллес, шунингдек, мазкур давлатнинг сабиқ Бош вазирлари Тереза Мей ва Дэвид Кэмерон номзоди башорат қўлинган эди.

"Европа Иттифоқида янги армия яратиш режасини қайта-қайта эълон қилаётган европалик сиёсатчиларга АҚШнинг ишончизиги туфайли Британия вакили анчадан бери НАТО Бош котиби лавозимига таклиф қилинмоқда", дега таъкидлари газета.

SPORT

ЛАЙЛО ҲАСАНОВА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ



Болгариянинг София шаҳрида таэквондо WT бўйича кадетлар ўртасидаги Жаҳон чемпионатининг иккинчи куни вакилларимиз учун муваффақиятли бўлди.

Унда умидли спортчимиз Лайло Ҳасанова ўз вазири тоифасида барча рақибларни устидан ғалаба қозониб, дунё биринчилигида тенгиз бўлди. Шунингдек, терма жамоамиз аъзоларидан Дилмурад Мъаруфжонов кумуш, София Ҳан эса бронза медалини кўлга кириди.

Расулуллоҳ
(с.а.в.)
ҳадисларидан



Ислом поклиқдир. Шундай экан, покиза бўлиб юринглар. Чунки жаннатга фақат покларгина киради.

Дайламий ривояти.

Тўнгич ака ота ўринидан-дир.

Байхакий ривояти.

Йўлдан озор берувчи нарсаларни олиб ташла. Зеро, бу сен учун садақадир.

Бухорий ривояти.

Ё Аллоҳ, фойда бермайдиган илмдан, кўтарилмайдиган (қабул бўлмайдиган) амалдан ва ижобат бўлмайдиган дуодан Сенинг номинг ила паноҳ тилайман. Анас (розияллоҳу анҳу)дан.

Ҳаким ривояти.

Ё Аллоҳ, бизларни чироили амал қилганда, хурсанд бўладиган ва ёмонлик содир этганда истиффор айтадиганлардан қилгин. Ойша (розияллоҳу анҳу)дан.

Ибн Можа ривояти.

"2002 ҳадис"дан.
Ҳадиси шарифларда одоб-ахлоқ зикри".
"Мунир" нашриёти.

(Давоми. Боши утган сонларда). Вавилонлик муҳандислар яна бир улуғ режани амалга оширганлар. Евфрат ва Тигр дарёларининг ёнида сув босган улкан майдонни зовур қазиб қуритиб, у ерларни ҳам экин

ларнинг ўлчами: бўйи 20 см., эни 15 см., қалинлиги 2,5 см. бўлган. Уша печда қуритилган кўлэзмалар замонавий ёзишма усулига жуда ўхшайди. Уларга афсоналар, шеърлар, тарихий воқеа-ҳодисалар, чиқа-

ликларнинг яшаш тарзини билиб олдик, уларнинг ички дунёсига мўраладик. Масалан, таҳтачалардан бири қандайдир савдоғар олиб борган ҳисоб-китоб журналини эслатади. Унга: белгиланган куни, харидор сигирини олиб келиб, уни етти қоп буғдойга алмаштиргани, уч қопини дарҳол харидорнинг уйига обориб беришгани, қолган тўрт қоп буғдой эса харидорнинг кейинги талабигача олиб кўйилгани ёзib кўйилган. Археологлар вайроналардан ана ўшанақа печда қотирилган таҳтачаларнинг юз мингдан ортигини топишиди.

Вавилоннинг ҳайратланарли мўъжизаларидан бири шаҳарни ўраб олган унинг деворларидир. Қадимгилар деворларни Миср эҳромларига тенг билиб, "дунёнинг етти мўъжизаси"дан бири деб ҳисоблашган. Вавилон мавжуд бўлаётган замонлар ўзининг ҳукмдорлик даврида шоҳ-аёл Семирамида биринчи деворларни курдириб шуҳрат қозонган эди. Бироқ замонавий қазилмалар илк деворлар изини топломади, уларнинг қанча баланд бўлгани ҳам номаълум. Қадимий кўлэзмалардан деворлар ўн беш-үн саккиз метр баландлиқда бўлгани тахмин қилинади. Ташқарисидан деворлар пишиқ гиштларда урилиб, кўшимчасига сув тўла хандақ билан ўралган.

(Давоми бор).

ВАВИЛОН ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

Жорж Самюэл Клейсон

майдонларига айлантиришган. Юнон тарихчиси ва сиёсатчиси Геродот гуллаб-яшнаган даврида Вавилонга ташриф буорган. Геродот Вавилоннинг тасвирини графика усулида чизиб, шаҳарларларнинг қизиқарли анъаналарни ҳақидаги хотираларини қолдирган. Қўлэзмасида у, тупроқнинг ўта серҳосиллигини, вавилонларлар йигиб оладиган буғдой ва улкан ҳосили ҳақида ёзди. Шу асар Вавилоннинг шахсан ўзи кўрган шоҳид сифатида қолдирган ва бизгача келган ягона қўлэзмадир.

Вавилоннинг шон-шуҳрати асрлар қаърида ўчиб кетган бўлсада, уларнинг ақл-заковати биз учун сақланиб қолган. Бунинг учун биз Вавилон алифбосидан миннатдор бўлишимиз керак. Уша узоқ даврларда қоғоз ҳали кашф қилинмаган эди. Шу боис вавилонларлар ўз ҳарфларини лойдан тайёрланган таҳтачаларга чироили илиб ёзишарди. Таҳтач-

ВАВИЛОНЛИК ЭНГ БОЙ ОДАМ

Бу китобни ҳар бир миллионер ўқиган
Биринчи миллионернинг бўлажак миллионерга тасвиялари

рилган қарорлар, қонунлар, қарз олди-бердиси ҳақидаги тилхатлар, шахсий мол-мулк ҳақидаги ҳужжатлар ва бошқаларни ёзib боришиган. Худди ана шу печда қотирилган таҳтачалар орқали вавилон-

Билиб қўйган маъқул



СИЗ УЧУН ФОЙДАЛИ

Кам ҳаракатлилик, баъзи эндокрин касалликлар, уйқусизлик, руҳий зўриқишилар, ширинликларни ортиқча истеъмол қилиш ҳам инсон танасида ортиқча вазн кўпайишига олиб келади. Бундай вазиятда тананинг ички аъзолар фаолияти, жумладан, юрак қон ҳайдаши, жигар заҳарларни тозалashi, эндокрин безлар эса танани керакли миқдордаги гормонлар билан таъминлаши қийинлашади.

Овқатланиш вақтида телевизор кўрманг. Диққатингизни дастурхон атрофидаги кишиларга қаратинг. Шу тариқа оила аъзоларингиз ва дўйстларингиз билан муносабатни яхшилайсиз. Телевизор керакли-кераксиз ахборотлар билан мияни тўлдиради. Бу эса овқат ҳазмини қийинлаштиради.

Олма истеъмол қилиб туриш ҳансирашни йўқотади, асабни тинчлантиради, мия фаолиятини яхшилаб, ақлни пешлайди.

"Хидоят" журналидан.

Азиз муштари! Ҳафтагомамизда улуг ажоддларимиз ҳаёти ва ҳикматлари чоп этилаётганлиги учун уни ножоиз ерларга ташламанг!

ISTIQBOL YOLI

МУАССИС:
ҚўШТЕПА ТУМАНИ
ҲОКИМИЯТИ ВА ТАҲРИРИЯТ
ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

Бош мұхаррір:
Умидахон ХУДОЙБЕРГАНОВА

Ўзбекистон Матбуот ва аҳборот агентлиги
Фарғона вилояти бошқармаси томонидан
2007 йил 9 ғиёвра 12-012 раками
билин рӯйхатга олинган. Бичими А-3

МАНЗИЛИМИЗ:
15111,
Марғилон шаҳар,
Бобур номли маҳалла,
Соҳибкор кўчаси, 4-йи.
Телефон ва факс:
мұхаррір (55) 801-17-54

ГАЗЕТА ТАҲРИРИЯТНИНГ
Pentium - IV
КОМПЮТЕРИДА
ТЕРИЛДИ ВА
САҲИФАЛАНДИ.
Дизайнер:
Отабек йўматов

«Полиграф-Пресс» МЧЖ
босмахонасида 3100
нусхада чоп этилди.
Бахоси келинингланарда.
Манзил: Марғилон шаҳар,
Туркистон кўчаси,
236 «Б» ўй.

Нашр кўрсаткичи:
64875

Буюртма № 505
Топшириши вақти 18.00
Топширилди 18.00

Ушбу сонга масъул:
Хадиҷаҳон КАРИМОВА

ISSN 2010-9253
9 772 0 10 925 3 0 7